ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

51 (433)
2004 йил 15 декабрь
Чоршанба

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри
Чоршанба кунлари чиқади

2 — Мустақил номзодлар билан танишинг!..
3 — ...ва улар учун овоз беринг, муҳтарам маҳалладош!
4 — "Гап чиқди"дан чиққан можаро
Уловингиз созми, оғайни?

## 26 декабрь —

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларига сайловлар куни**

## Муносиб номзодлар учун овоз беринг!



**Тошкент шаҳри Миробод туманидаги Ўзбекистон маҳалласида 971 нафар сайловчи бор. Айни кунда ҳудудидаги 163-сайлов участкасида уларнинг яна ўн кундан кейин ўтадиган сайловда иштирок этишлари учун ҳамма нарса тахт этиб қўйилди. Сайловга тайёргарлик ишларига маҳалла оқсоқоли Талат Шамсиев бошчилик қилмоқда.**

**СУРАТДА:** Ўзбекистон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Т.Шамсиев (чапда) маҳалла фаоли Жўра Сатторов билан.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг*
**ҚАРОРИ**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси 10-банди, 35, 36, 41-моддаларига ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси қалинлиги 70 гр/м2, сув белгили, оппоқлиги камида 85 фоиз бўлган, «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент типография фабрикаси томонидан тайёрланган матбаа офсет қоғозида босилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг ўлчами А-4, 297x210 мм дан иборат бўлиши лозим;

сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг матни сайлов бюллетени ҳамда сайлов варақасининг фақат бир томонига бир хил (қора) рангда жойлаштирилади, бунда қуйидагилар тўқ қора ҳарфларда ажратиб кўрсатилади:

а) сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг номланиши;

б) сайлов округининг номланиши;

в) сайлов ўтказиш санаси;

г) депутатликка номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

д) депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи;

е) сайлов бюллетени, сайлов варақасининг пастки қисмида катта ҳарфлар билан жойлаштирилган уларни тўлдириш тартиби бўйича тушунтириш;

ҳар бир номзод ҳақидаги маълумотлар бошқа номзод маълумотларидан тўқ қалин чизиқ билан ажратилган бўлиши керак;

сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари фақат округ сайлов комиссияларининг қарори бўйича ҳамда кузатуви остида сайлов ҳужжатларини тайёрлаш учун техник жиҳатдан жиҳозланган матбаа ташкилотларида тайёрланади;

матбаа ташкилоти сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларининг яроқли ёки яроқсизлигини текширади ҳамда уларни сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларини олиш ваколатига эга бўлган, уларни тайёрлаш учун буюртма берган округ сайлов комиссияси аъзоларига далолатнома асосида топширади, далолатномада унинг тузилган санаси ва вақти, шунингдек, топширилаётган сайлов бюллетенлари ҳамда сайлов варақаларининг сони кўрсатилади. Буюртмага мувофиқ миқдордаги сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари топширилгандан кейин матбаа ташкилоти ходимлари яроқсиз деб топилган ва ортиқча сайлов бюллетенлари ҳамда сайлов варақаларини дарҳол йўқ қиладилар ва бу ҳақда далолатнома тузадилар, далолатнома барча ҳозир бўлганлар томонидан имзоланади.

3. Таъкидлансинки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камида уч кун қолганида оладилар;

участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас;

сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади;

ҳар бир рўйхатга олинган номзод тўғрисидаги маълумотларнинг ўнг томонига бўш катакчалар жойлаштирилади;

ҳар бир сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисида тушунтириш бўлиши керак;

овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссияларининг аъзолари ҳозирлигида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

сайлов варақалари сайлов ўтказилишидан ўн беш кун олдин участка сайлов комиссиясига келтирилиши керак;

участка сайлов комиссияси томонидан округ сайлов комиссиясидан олинадиган сайлов варақаларининг сони, қоида тариқасида, сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сайловчилар сонининг ярим фоизидан кўп бўлиши мумкин эмас;

сайлов варақасининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади;

овоз бериш тугагач фойдаланилмаган барча сайлов варақалари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари 2004 йилнинг 1 декабридан кечиктирмасдан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодни рўйхатга олиш бўйича қарорига биноан Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган намунага мувофиқ сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларининг матнларини тасдиқласинлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг чоп этилиши лозим бўлган миқдорини белгиласинлар.

6. Округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссияларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов варақалари билан 2004 йилнинг 11 декабрига қадар, сайлов бюллетенлари билан 2004 йилнинг 23 декабрига қадар таъминлашни ташкил этсинлар.

7. Округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссиясига сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларини топшириш далолатномасининг намунаси тасдиқлансин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини ташкил этиш Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С. Хўжаева зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссиясининг Раиси:**
**Б. МУСТАФОЕВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 20 ноябрь.

**1-илова**

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сайловига доир САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

Участка сайлов комиссиясининг муҳри

________ (имзо)

________ (имзо)

**00-Наврўз сайлов округи** **2004 йил 26 декабрь**

| № | Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), уни депутатликка номзод этиб ким кўрсатган (сиёсий партия, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи) | Кимни ёқлаб овоз берсангиз, фамилияси рўпарасида белги-крестик қўйинг |
|---|---|---|
| 1 | **Антонов Михаил Михайлович**, 1936 й.<br>Темир йўллари машиналарини таъмирлаш бирлашмаси бош директори<br>**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси** | ☐ |
| 2 | **Ботиров Турсун Пўлатович**, 1940 й.<br>"Фотон" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари<br>**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси** | ☐ |
| 3 | **Расулов Ботир Ғуломович**, 1970 й.<br>Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими<br>**Ўзбекистон "Фидокорлар" миллий демократик партияси** | ☐ |
| 4 | **Умаров Ўктам Рўзиевич**, 1948 й.<br>Тошкент электротехника заводи бош муҳандиси<br>**Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи** | ☐ |
| 5 | **Фозилов Маҳмуд Маҳкамович**, 1965 й.<br>Кўчмас мулк ва хорижий сармоялар миллий агентлиги бош мутахассиси<br>**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛИ ДеП)** | ☐ |
| 6 | **Янгибоева Шаҳло Рустамовна**, 1954 й.<br>Бекобод шаҳри 15-ўрта мактаб директори<br>**Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП)** | ☐ |

**Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган номзод фамилиясининг ўнг томонидаги бўш катакчага белги-крестик қўйинг. Биттадан ортиқ бўш катакчага белги-крестик қўйилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб топилади.**

**2-илова**

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сайловига доир САЙЛОВ ВАРАҚАСИ

Участка сайлов комиссиясининг муҳри

________ (имзо)

________ (имзо)

**00-Наврўз сайлов округи** **2004 йил 26 декабрь**

| № | Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), уни депутатликка номзод этиб ким кўрсатган (сиёсий партия, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи) | Кимни ёқлаб овоз берсангиз, фамилияси рўпарасида белги-крестик қўйинг |
|---|---|---|
| 1 | **Антонов Михаил Михайлович**, 1936 й.<br>Темир йўллари машиналарини таъмирлаш бирлашмаси бош директори<br>**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси** | ☐ |
| 2 | **Ботиров Турсун Пўлатович**, 1940 й.<br>"Фотон" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари<br>**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси** | ☐ |
| 3 | **Расулов Ботир Ғуломович**, 1970 й.<br>Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими<br>**Ўзбекистон "Фидокорлар" миллий демократик партияси** | ☐ |
| 4 | **Умаров Ўктам Рўзиевич**, 1948 й.<br>Тошкент электротехника заводи бош муҳандиси<br>**Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи** | ☐ |
| 5 | **Фозилов Маҳмуд Маҳкамович**, 1965 й.<br>Кўчмас мулк ва хорижий сармоялар миллий агентлиги бош мутахассиси<br>**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛИ ДеП)** | ☐ |
| 6 | **Янгибоева Шаҳло Рустамовна**, 1954 й.<br>Бекобод шаҳридаги 15-ўрта мактаб директори<br>**Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП)** | ☐ |

**Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган номзод фамилиясининг ўнг томонидаги бўш катакчага белги-крестик қўйинг. Биттадан ортиқ бўш катакчага белги-крестик қўйилган сайлов варақаси ҳақиқий эмас деб топилади. Тўлдирилган сайлов варақаси конвертга солиниб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдирилади.**

"Mahalla" ахбороти

## МУСТАҚИЛ НОМЗОДЛАР ВА ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР

***Маълумки, юртимизда бўлажак сайловлар муносабати билан МДҲ ва ЕХҲТ кузатувчилари миссиялари ўз ишини давом эттирмоқда.***

Куни кеча ЕХҲТнинг шундай миссияси вакиллари Йорген Баклунд ва Кристиа Фотини Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази фаолияти билан танишиш мақсадида марказ фаолият кўрсатаётган "Маҳалла" жамғармасида бўлишди.

Халқаро кузатувчилар марказ фаолиятининг халқаро андозаларга мос, айни пайтда унинг ўзига хос томонлари билан қизиқдилар. Улар шунингдек, Марказ аъзолари ва мустақил номзодлар билан мулоқотда бўлишди.

**МУХБИРИМИЗ**

## ЭРК ВА БАХТ-САОДАТ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси томонидан ўтказилган "Миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол қатнашган маҳалла оқсоқоли" анъанавий кўрик-танловининг республика босқичига якун ясалди.***

Кўриқ-танловда Навоий шаҳридаги Мустақиллик маҳалласи оқсоқоли Шойимкул Жумаев биринчи ўрин, Фарғона шаҳридаги Нодирабегим номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилфуза Хўжаева ҳамда Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги Наврўз маҳалласи оқсоқоли Тожи Зиёқуловлар иккинчи ўрин билан тақдирланди. Учинчи ўринга Бухоро шаҳридаги Ф.Хўжаев номли маҳалла оқсоқоли Тўра Бобомуродов, Андижон шаҳридаги Султон Жўра номли маҳалла оқсоқоли Сардор Шамсуддинов ҳамда Наманган шаҳридаги Абдукарим Фазлий номли маҳалла оқсоқоли Исроил Исмоиловлар муносиб деб топилдилар.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги Ибн Сино номли маҳалла оқсоқоли Сабиттин Нагиметов, Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги Дўстлик маҳалласи оқсоқоли Ғайбулла Холмуродов, Сирдарё туманидаги Ширин маҳалласи оқсоқоли Дониёр Йўлдошев ҳамда Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги Чармгар маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Файзиевлар рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирландилар.

Ғолибларга Ўзбекистон Республикаси ИИВ, "Нуроний" ҳамда "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ЁИҲнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Фаррух БЎТАЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

## ТАЯНЧ ПУНКТИ ВА МАҲАЛЛА

### ўзаро ҳамкорлик жиноятчиликнинг олдини олишда қўл келмоқда

***Яқинда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ва республика Ички ишлар вазирлиги ҳамкорликда фуқаролар йиғинлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ишини талаб даражасида ташкил этиш, маҳалла оқсоқоллари ва таянч пунктлари нозирларининг ҳамкорлигини янада яхши йўлга қўйиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Йиғилишда жамғарманинг Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бўлимлари, туман бўлинмалари раислари, маҳалла йиғинлари оқсоқоллари қатнашдилар.

Кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси Аъзамжон Гадойбоев, республика Ички ишлар вазири ўринбосари Зуҳриддин Бобокалонов маъруза қилдилар. Нотиқлар жойларда оқсоқолларнинг ўз ваколат ва ҳуқуқларини англаб етмаётган ҳолатлари мавжудлиги, яқиндагина маҳаллаларда иш бошлаган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятини талаб даражасида ташкил этишда, айниқса, уларни бино ва фаолият учун зарур бошқа анжомлар билан таъминлаш масаласида муаммолар мавжудлигини алоҳида таъкидладилар. Бу муаммоларни ҳал этиш юзасидан белгиланиши лозим бўлган чора-тадбирлар қайд этилди. Шунингдек, тадбирда Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш республика Бош бошқармаси бошлиғи Авазбек Сатторов ҳам сўз олиб, жойлардаги йиғин раисларининг маҳалла таянч пунктлари нозирлари билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилгани, бу ўринда маҳалла посбонлари ва посбонлар сардорларининг фаолияти таҳсинга лойиқлиги, эндиликда бу ҳамкорликни янада чуқурлаштириш маҳалла аҳолиси, айниқса, ёшлари ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда яхши натижалар бериши ҳақида гапирди. Бу йўналишдаги чора-тадбирлар юзасидан оқсоқоллар ва жамғарманинг бўлим, бўлинма раислари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар, таклифлар билдирдилар.

**МУХБИРИМИЗ.**

"Обуна — 2005"

"Mahalla" газетаси — ҳар бир фуқаролар йиғинининг энг яқин, энг мақбул дастёри. Буни бугун йиғинларнинг ҳар бир фаоли эътироф этади. Шундай экан, "Mahalla"га обуна бўлишни асло пайсалга солманг, азиз муштарий!

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.
**Нашр кўрсаткичи:148**

**Ҳомий:** «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

**Таҳририят манзили:** Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

**Телефонлар:**
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

**Муассислар:**
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА 2005 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.
2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига Ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган НОМЗОДЛАР

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ



### ЭРКИН ҲАМДАМОВИЧ ХАЛИЛОВ

**2-Дарҳон сайлов округидан**

1955 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Олий маълумотли. 1977 йилда Тошкент Давлат университетининг юридик факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаган. Ихтисоси — ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Кибернетика" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандисликдан бошлади. 1979 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтига ишга ўтиб, кичик илмий ходим, катта илмий ходим, сектор мудири вазифаларида ишлади.

Юридик фанлари доктори, профессор. 1990 йилда Ўзбекистон халқ депутати, Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасининг раиси этиб сайланди. 1993 йилда мамлакат парламенти Раисининг ўринбосари, ярим йил ўтгач эса Раис вазифасини бажарувчи этиб сайланди.

Э.Ҳ.Халилов биринчи ва иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раисидир. 1995 йили Канадада ЕХҲТ Парламент Ассамблеясининг йиллик тўртинчи сессиясида бу нуфузли ташкилотнинг Вице-Президенти этиб сайланди. 1999 йилда "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.



### САНОАТ АБДУВАЛИЕВНА АБДУВАЛИЕВА

**4-Қорақамиш сайлов округидан**

Саноат Абдувалиевна АБДУВАЛИЕВА 1948 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти — олий. 1971 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтини тугатган. Ихтисоси — иқтисодчи. Меҳнат фаолиятини 1966 йилда "Тошкентхўжаликсавдо"га қарашли 36-дўконда оддий ишчиликдан бошлади. У мазкур дўконда 1994 йилгача ишлаб, директор лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. С.А.Абдувалиева 32 йил мобайнида раҳбарлик лавозимида фаолият юритди. Қилган ҳалол ва самарали меҳнатлари учун "Савдо аълочиси" деган шарафли унвонга сазовор бўлди, "Ҳурмат белгиси" ордени билан тақдирланди. 1994 йилдан ҳозирги кунгача "Инобат-савдо" хусусий фирмасининг раҳбари лавозимида ишлаб келмоқда. 2003 йилда Собир Раҳимов тумани Абдували Абдуқаюмов номли маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси вазифасида ишлаб, элнинг эътиборига тушди. Маҳалла аҳолиси С.А.Абдувалиевага ишонч билдириб, уни Абдували Абдуқаюмов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайлади.

Оилали. Бир нафар фарзанди бор.



### ОБИДЖОН ЁҚУБОВИЧ АҲМЕДОВ

**7-Дўмбиробод сайлов округидан**

1940 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти — олий. 1966 йилда Тошкент Давлат университетининг шарқ филологияси факультетини тугатган. Ихтисоси — филолог.

1961-1970 йилларда Чилонзор туманидаги 128-ўрта мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, директор вазифаларида ишлаган. 1970-1991 йилларда Чилонзор тумани партия қўмитасида ташкилий бўлим мудирининг ўринбосари, партия комиссиясининг раиси, 1991-1993 йилларда Президент ҳузуридаги Давлат назорат қўмитасининг Чилонзор тумани бўйича раиси, 1993-2000 йилларда Чилонзор тумани назорат инспекциясининг раҳбари — ҳоким ўринбосари вазифаларида ишлаган. 1987 йилдан ҳозиргача туман ҳудудидаги Шарқ тонги маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Фидокорона меҳнати учун "Меҳнат фахрийси" медали, "Халқ маорифи аълочиси", "Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги" кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.



### ЖАСУР ЖЎРАЕВИЧ АБДУРАҲМОНОВ

**8-Хадра сайлов округидан**

1975 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти — олий. 1995 йилда Москва Давлат Славян университетининг молия ва кредит факультетини тугатган. Ихтисоси — менежмент. Ҳозирги кунда Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодий академияси талабаси.

1995-1998 йилларда "Майзер" хусусий фирмаси бош директори лавозимида ишлади. 1998 йилда трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи "Gulteks" хусусий фирмасини очди ва унга раҳбарлик қилди. 2001 йилда Тошкент шаҳарида жойлашган "Тажриба техника заводи" акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши раиси этиб тайинланди. 2002 йилдан "Ўзбекистон Республикаси Тикувчилик саноати ассортименти ва моддалар маркази" очиқ акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси лавозимида ишлай бошлаган. Ж.Ж.Абдураҳмонов иштирокида 1995 йилдан 2004 йилгача 32 та янги ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари очилган, шу жумладан 5 та қўшма корхона АҚШ, Буюк Британия, Туркия давлатлари ҳамкорлигида иш олиб бормоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.



### ОЗОДА УБАЙДУЛЛАЕВНА ШЕРМУҲАМЕДОВА

**9-Бодомзор сайлов округидан**

1958 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти — олий. 1983 йилда Тошкент Давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. Ихтисоси — тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Юнусобод туманидаги 150-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1995 йилдан шу тумандаги француз тилига ихтисослашган 51-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади.

1995 йилда Мирзо Улуғбек номли маҳалла хотин-қизлар кенгаши аъзоси этиб сайланди. 2002 йилдан буён эса хотин-қизлар кенгаши раиси лавозимида ишламоқда.

Унинг дастури халқнинг моддий турмуш даражасини яхшилаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига молиявий ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш ходимлари, ўқитувчи ва талабаларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган. Бундан ташқари, аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини янада фаоллаштиришга йўналтирилган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ



### САРВАР МИРҲАКИМОВИЧ АЗИЗОВ

**14-Балиқчи сайлов округидан**

1976 йилда Балиқчи туманида туғилган. Маълумоти — олий. Москва Халқаро бошқарув институтини тамомлаган. Ихтисоси — иқтисодчи-бошқарувчи, молиячи.

Меҳнат фаолиятини 1995 йилда Тошкент вилояти Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватловчи Бизнес-Фонд бошқармасида етакчи мутахассис лавозимида ишлашдан бошлаган. 1996 йилда у Тошкент шаҳар Бизнес-Фонд бошқармасига кредитлаш бўйича бош мутахассис лавозимига ишга кириб, 1997 йилда шу бошқарманинг кредит бўлими бошлиғи лавозимига тайинланган. 1998 йилда Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг Хорижий сармояларни жалб қилиш бўлими бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатган.

2003 йилда у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Солиқ-бюджет сиёсати марказида бош илмий ходим лавозимида меҳнат фаолиятини давом эттирган.

2004 йилдан буён "Development Sustems" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бош директори лавозимида ишлаб келмоқда. "Gulteks" хусусий корхонаси директори лавозимини ҳам эгаллаб турибди. У АҚШ ва Буюк Британиядаги қатор фирмаларнинг Ўзбекистондаги вакилидир.

Греция, Италия, Исроил, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари, Германия ва Туркияда турли ўқув-семинарларда қатнашган.

Оилали. Бир нафар фарзанди бор.



### МУҲИДДИН ДАДАБОЕВИЧ МИРЗАЕВ

**15-Шаҳрихон сайлов округидан**

1952 йилда Шаҳрихон тумани Шаҳрихон шаҳрида туғилган. Маълумоти — олий. Самарқанд Давлат университетини тамомлаган. Ихтисоси — химия ўқитувчиси. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1973 йили ўқитувчиликдан бошлаган. 1973-1979 йилларда Шаҳрихон шаҳридаги 5-мактаб ўқитувчиси, кейинроқ илмий бўлим мудири вазифаларида ишлаган. 1979-1983 йилларда Шаҳрихон тумани "Билим" жамияти ва туман ташкилотларида масъул вазифаларда, 1983-1986 йилларда Шаҳрихон туманидаги 1-мактаб директори, 1986-1998 йилларда Шаҳрихон тумани халқ таълими бўлими мудири, 1998-2000 йилларда Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифаларида ишлаган. 2000 йилдан эътиборан Шаҳрихон тумани халқ таълими бўлимининг мудири вазифасида меҳнат қилиб келмоқда.

Унинг раҳбарлигида 19 та замонавий ва 4 та ихтисослаштирилган мактаблар қурилган, Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури"нинг ижроси бўйича 4-мактабда ўқувчилар билимларини баҳолаш бўйича рейтинг тизими, таълим тизими мониторинг хизмати, янги педагогик технологияларни жорий қилиш ва янги дарсликлар, тажриба синов майдончалари фаолияти йўлга қўйилган.

"Халқ таълими аълочиси", "Халқ таълими фидойиси" нишонлари билан тақдирланган.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.



### АЪЗАМЖОН РЕЖАПОВИЧ РАҲМОНОВ

**18-Булоқбоши сайлов округидан**

1962 йилда Хўжаобод туманида туғилган. Маълумоти — олий. 1987 йилда Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Ихтисоси — шарқшунос-тарихчи, ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини 1979 йилда Хўжаобод тумани агросаноат бирлашмаси консерва заводида ишчиликдан бошлаган. 1986-1989 йилларда Ироқ Республикаси "Нефтьгазқурилиш" ваколатхонасида таржимон бўлиб ишлаган. Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги масъул ходими. 1994 йилдан эса Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистонидаги Бош консули бўлган. 1996 йилдан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида катта ўқитувчи, халқаро алоқалар бўлими мудири лавозимларида ишлади. 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида етакчи илмий ходим, сектор мудири лавозимларида ишлади. 2002 йилда Тошкент Давлат юридик институтининг информацион технологиялар ва илмий ишлар бўйича проректори лавозимига тайинланди. 2003-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг гуруҳлар раҳбари — Бош консультант лавозимида фаолият кўрсатди. 2004 йилдан бошлаб ҳозирги вақтга қадар Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг директори вазифасида ишлаб келмоқда. Юридик фанлари доктори, профессор, Нью-Йорк Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси.

Ҳуқуқшунослик ва ташқи сиёсат соҳасида 6 та китоб ва 100 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган. Унинг 2003 йилда нашр этилган "Исламское право" ("Ислом ҳуқуқи") дарслиги эса алоҳида диққатга сазовордир.

1991 йилда "Мустақиллик" нишони билан тақдирланган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.



### АНВАРЖОН ЮСУПОВ

**20-Қўрғонтепа сайлов округидан**

1955 йилда Жалолқудуқ туманида туғилган. Маълумоти — олий. Андижон Давлат педагогика институтини тугатган. Ихтисоси — ўқитувчи. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1972 йилда Жалолқудуқ туманидаги 40-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1980-1981 йилларда Қўрғонтепа туманидаги 10-ўрта мактабда ўқитувчи, 1981-1988 йилларда туман халқ таълими бўлимида услубчи, услубият кабинети мудири. 1988-1992 йилларда Қўрғонтепа тумани ижроия қўмитаси умумий бўлим мудири, 1992-1995 йилларда Қўрғонтепа шаҳар ҳокимлигида котибият бошлиғи, 1995-1997 йилларда Қўрғонтепа туман ҳокимлиги ташкилий ва кадрлар бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаган. 1997 йилдан буён Қўрғонтепа тумани қишлоқ фуқаролар йиғини раиси лавозимида меҳнат қилиб келмоқда.

А.Юсупов туманда амалга оширилаётган ишларда фаол иштирок этади. У қишлоқ фуқароларини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш борасида катта тажрибага эга. Аҳолини ижтимоий таъминлаш, ёшларга ишчи ўринлари барпо этиб, уларни касб-корга йўналтириш каби эзгу ишлар дастуриламалидан кенг ўрин олган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.



### РУСТАМЖОН УСМОНОВ

**21-Избоскан сайлов округидан**

1955 йилда Избоскан туманида туғилган. Маълумоти — олий. 1980 йилда Республика рус тили ва адабиёти институтини тамомлаган. Ихтисоси — рус тили ва адабиёти ўқитувчиси. Миллий тикланиш партияси аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1971 йилда Избоскан туманидаги 28-мактабда ўқитувчи вазифасидан бошлаган. Институтни тамомлагач, тумандаги 20-мактабда рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, 1990-2000 йилларда Избоскан тумани Бизнес мактаби директори вазифаларида ишлаган.

2000 йилдан ҳозиргача Избоскан тумани Педагогика ижтимоий-иқтисодий коллежи директори вазифасида ишламоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.



### ШАРОБИДДИН АЪЗАМОВИЧ ҲАСАНОВ

**22-Хартум сайлов округидан**

1964 йилда Андижон туманида туғилган. Маълумоти — олий. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлаган. Ихтисоси — ўқитувчи.

Меҳнат фаолиятини дастлаб Андижон туманидаги 31-ҳунар техника билим юртида ишлаб чиқариш таълими мураббийси бўлиб бошлаган. 1987 йилда Андижон туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабида ўсмирлар мураббийси вазифасида, сўнгра мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифаларида ишлаган.

1996 йилдан бошлаб мактаб директори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, халқ таълими фидойиси, "Чўлпон" мукофоти совриндори. "Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови Республика босқичи ғолиби. "Иқрор", "Оқ либосга ўралган тилак" шеърий тўпламлари муаллифидир.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

## БУХОРО ВИЛОЯТИ



### ЮЛДАШ ЮСУПОВИЧ ЭГАМОВ

**23-Бухоро сайлов округидан**

1964 йилда Вобкент туманида туғилган. Маълумоти — олий. 1989 йилда Тошкент Давлат театр ва рассомчилик институтини тамомлаган. Ихтисоси — дизайнер-рассом.

Меҳнат фаолиятини 1989 йилда Бухоро шаҳри рассомчилик бадиий ишлаб-чиқариш устахонасида дизайнер-рассомликдан бошлаган. 1993-1994 йилларда Бухоро шаҳридаги "Мевали ниҳолчилик" давлат хўжалиги рассоми бўлиб ишлади. 1994-1996 йилларда Бухоро шаҳридаги "Ижодкор" бадиий безаш ишлари кооперативи рассоми, 1996-1998 йилларда Мусаввир рассомчилик ва ишлаб чиқариш фирмаси директори, 1998-1999 йилларда "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси Бухоро вилояти бўлими раисининг ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатди.

1999 йилдан буён "Тасвирий ойна" ижодий уюшмасининг Бухоро вилояти бўлими раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.



### ШУҲРАТ ТЕШАҚУЛОВИЧ ҚУРБОНОВ

**25-Ибн Сино сайлов округидан**

1961 йилда Вобкент туманида туғилган. Маълумоти — олий. 1983 йилда Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Ихтисоси — кимё фани ўқитувчиси. ЎзЛиДеП аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Вобкент тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида мутахассисликдан бошлаган. 1986-1988 йилларда ёшлар ташкилотида бўлим мудири, 1988-1996 йилларда Вобкент туманидаги И.Наимов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раисининг ўринбосари, 1996-1998 йилларда Вобкент туманидаги Қўнғирот қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, 1998-2002 йилларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Вобкент тумани кенгашининг биринчи котиби лавозимларида ишлади. 2002 йилдан буён Вобкент туманидаги И.Наимов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси вазифасида ишлаб келяпти.

Оилали.

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ



### ОЛЕГ НИКОЛАЕВИЧ КОНДРАШИН

**30-Жиззах сайлов округидан**

1957 йилда Жиззах шаҳрида туғилган. Маълумоти — олий. 1979 йилда Тошкент Темир йўл транспорти инженерлари институтини тамомлаган. Ихтисоси — муҳандис-қурувчи.

1979-1980 йилларда Жиззах насос станцияси бошқармасида катта муҳандис, 1980-1982 йилларда Жиззах темир йўл масофаси устаси, 1982-1984 йилларда 1-қурилиш материаллари комбинатида ёшлар қўмитаси котиби вазифаларида ишлади. 1984 йилдан 1986 йилгача комбинатнинг "Прокат деталь" заводи 2-цех бошлиғи, 1986-1988 йилларда "Жиззахнон" ишлаб чиқариш бирлашмасида директор ўринбосари, 1988-1993 йилларда Девор конструкциялари комбинати директори, 1993-1998 йилларда "Йўлбарс" МЧЖ директори, 1998 йилда 12-"Экспериментал қурилиш материаллари" комбинати директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.



### УСМОН ОЧИЛОВИЧ УМАРОВ

**31-Дўстлик сайлов округидан**

1955 йилда Жиззах шаҳрида туғилган. Маълумоти — олий. 1976 йилда Сирдарё Давлат педагогика институтининг математика факультетини тамомлаган. Ихтисоси — математика ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1976 йили Арнасой туманидаги 2-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1979 йилдан 1987 йилгача мазкур туманидаги 2-, 8-, 24-ўрта мактабларда ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаган. 1987 йилдан буён Арнасой туманидаги 8-ўрта мактабда директор лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

1995 йилда "Халқ маорифи аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.



### ТУРСУНБОЙ НОРҚУЛОВ

**33-Ғаллаорол сайлов округидан**

1950 йилда Ғаллаорол туманида туғилган. Маълумоти — олий. 1980 йилда Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлаган. Ихтисоси — тарих ўқитувчиси. Ўзбекистон ХДП аъзоси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

Меҳнат фаолиятини 1969 йилда Ғаллаорол туманидаги 30-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган ва 1988 йилда мазкур мактабга директор этиб тайинланган. 1992 йилдан буён Ғаллаорол тумани Тозауруғ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Оилали. Олти нафар фарзанди бор.

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ



### АНОРА ЯВҚОЧТИЕВНА БОБОМУРОДОВА

**35-Қизилтепа сайлов округидан**

1960 йилда Навбаҳор туманида туғилган. Маълумоти — олий. 1984 йилда Бухоро Давлат университетини тамомлаган. Ихтисоси — ўқитувчи. Ўзбекистон ФМДП аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1979 йилда Навбаҳор тумани Мирзо Улуғбек номидаги мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1985 йилда Навбаҳор тумани Халқ таълими бўлимига ишга ўтиб, бу ерда 1989 йилга қадар услубчи вазифасида ишлаб келди. Шундан сўнг Навбаҳор тумани ҳокимлиги девонхонаси мудири вазифасига ўтди. 1998 йилда Навбаҳор тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимига тайинланди. 2000 йилдан 2001 йилга қадар Навбаҳор тумани ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари, 2001-2004 йилларда Навоий вилояти ўқитувчиларнинг малака ошириш институти директори лавозимида ишлади. 2004 йилдан ҳозирги кунгача ушбу институт директори ўринбосари лавозимида ишламоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ



### АБДУЖАЛИЛ ХЎЖАМБЕРДИЕВИЧ ЭГАМОВ

**38-Поп сайлов округидан**

1963 йилда Поп туманида туғилган. Маълумоти — олий. 1985 йилда Андижон пахтачилик институтини тамомлаган. Ихтисоси — муҳандис-механик. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1985 йилда Поп туманидаги 4-касб-ҳунар мактабида ишлаб чиқариш устаси бўлиб бошлаган. 1985-1987 йиллар мобайнида ҳарбий хизматда бўлган. Ҳарбий хизматни тугаллаб, яна 4-касб-ҳунар мактабида меҳнат фаолиятини давом эттирган ва ўқитувчилар касаба уюшмаси раиси сифатида фаолият кўрсатган. 1989 йилда шу мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб тайинланган. Кейинчалик директор вазифасини бажарувчи, директорнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича ўринбосари лавозимларида ишлаган.

2001 йилдан ҳозиргача Поп туманидаги Уйғур қишлоқ фуқаролар йиғини раисидир.

Оилали.



### МАРУФЖОН ТУРСУНОВИЧ БОБОЕВ

**39-Чуст сайлов округидан**

1955 йилда Чуст шаҳрида туғилган. Маълумоти — олий. 1977 йилда Тошкент Политехника институтини тугатган. Ихтисоси — муҳандис-қурувчи. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1977 йилда Чуст туманидаги 133-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннада ишлаб чиқариш устаси бўлиб ишлашдан бошлаган. 1978 йилдан бошлаб туман ёшлар ташкилотида турли лавозимларда хизмат қилди. 1986 йилдан Чуст шаҳар Кенгаши вилоят қўмитаси раисининг муовини, 1989 йилдан Чуст туман партия қўмитасининг йўриқчиси бўлиб ишлаган. 1990-1995 йилларда Халқ депутатлари Чуст туман Кенгаши раисининг ўринбосари, Чуст тумани ҳокимининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилган. 1995 йилдан бошалб Чуст туманидаги Норхўжаев номли деҳқон хўжалиги раиси бўлиб ишлади. 1997 йилдан ҳозирга қадар Агросаноат мажмуи ходимлари Чуст тумани касаба уюшмаси қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.



### МАҲАМАДЖОН АБДУРАҲМОНОВИЧ ТУРДИБАЕВ

**40-Тўрақўрғон сайлов округидан**

1952 йилда Тўрақўрғон туманида туғилган. Маълумоти — олий. 1975 йилда Андижон Давлат тиббиёт институтини тугатган. Ихтисоси — шифокор-жарроҳ.

Меҳнат фаолиятини 1975 йилда Андижон Давлат тиббиёт институтида клиник ординатор бўлиб ишлашдан бошлаган. 1977 йилдан Наманган вилояти шифохонаси жарроҳлик бўлимида ординатор бўлиб ишлаган. 1980 йилдан бошлаб Тўрақўрғон туман марказий шифохонаси жарроҳлик бўлими мудир, 2000 йилдан эса Республика Давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган вилояти филиалида директор ўринбосари бўлиб ишлаган. 2001 йилдан буён Тўрақўрғон туман ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бўлими мудири вазифасида ишлаб келмоқда.

Оилали.



### АҲАДЖОН АБДУЛЛАЕВИЧ АБДУХАЛИЛОВ

**43-Уйчи сайлов округидан**

1973 йилда Уйчи туманида туғилган. Маълумоти —тўлиқсиз олий. 1993 йилда Тошкент юридик техникумини тамомлаган. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультетининг талабаси. Ихтисоси — ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолияти 1994 йилда Уйчи тумани прокуратурасида катта инспекторликдан бошлаган. 1997 йилдан бошлаб Уйчи тумани матлубот улгуржи-чакана савдо акциядорлик жамиятида ҳуқуқшунос бўлиб ишлади. 1999 йилдан буён Наманган вилояти деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси Уйчи тумани вакиллигида ҳуқуқшунос бўлиб ишлаб келмоқда.

Оилали.



### ОЛИМЖОН ШАРИПЖОНОВИЧ САРИМСОҚОВ

**44-Учқўрғон сайлов округидан**

1963 йилда Учқўрғон туманида туғилган. Маълумоти — олий. 1986 йилда Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтини тугатган. Ихтисоси — муҳандис-механик — технолог. ЎзЛиДеП аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1986 йилда Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти Наманган филиалида ўқитувчи бўлиб ишлашдан бошлади. 1988 йилдан 1991 йилгача Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти аспирантурасида ўқиди. Техника фанлари номзоди. Кўплаб илмий ишлари эълон қилинган.

1992 йилдан Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтида ассистент, илмий кенгаш котиби лавозимларида ишлади. 1996 йилдан мазкур институтда декан ўринбосари, халқаро алоқалар бўлими бошлиғи бўлиб ишлади. 2000 йилдан буён Учқўрғон иқтисодиёт коллежи директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.



### СОБИТХОН ТОШПЎЛАТОВИЧ ТУРҒУНОВ

**46-Наманган сайлов округидан**

1965 йилда Чортоқ туманида туғилган. Маълумоти — олий. 1990 йилда Фарғона Давлат педагогика институтини тугатган. Ихтисоси — умумтехника фанлари ва меҳнат таълими ўқитувчиси. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Чортоқ туманидаги 84-РКБ қурилиш участкасида қурувчиликдан бошлаган. 1984-1986 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1986 йилдан бошлаб Чортоқ туманидаги 3-ўрта мактабда, 1991 йилда Наманган Давлат педагогика институтида ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1992-1993 йилларда Москва Давлат педагогика институтида тажриба орттириб келгач, Наманган Давлат университетида ўқитувчи, катта ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1998 йилдан бошлаб Наманган муҳандислик-педагогика институтида кафедра мудири, декан лавозимларида фаолият кўрсатган. 2001 йилдан буён Наманган вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг ректоридир.

Маориф соҳасидаги хизматлари учун "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ



### ХОЛБОЙ ҚОСИМОВ

**49-Булунғур сайлов округидан**

1954 йилда Булунғур туманида туғилган. Маълумоти — олий. 1981 йилда Тошкент Давлат университетини тугатган. Ихтисоси — журналист. Фидокорлар МДП аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1971 йилда Булунғур туманидаги "2-Булунғур" хўжалигида ишчиликдан бошлаган. 1972-1974 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1974 йилдан бошлаб Тошкентдаги нашриётлар тизимида таъминотчи бўлиб ишлаган, 1983 йилдан "Ўзбекистон овози" рўзномасида мусаҳҳиҳ лавозимида меҳнат қилди. 1985 йилдан Тошкент Тўқимачилик комбинатида уста бўлган.

1986 йилдан бошлаб Булунғур тумани "Булунғур ҳаёти" рўзномасида бўлим мудири сифатида меҳнат қилган. 1993 йилдан бошлаб Булунғур туманидаги "Юлдуз" фермер хўжалигида таъминотичи бўлган. 1995-1997 йилларда "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармасининг Булунғур туман бўлими директори лавозимида ишлаган. 1997 йилдан буён Булунғур тумани "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари вазифасида ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси. "Мустақилликнинг 10 йиллиги" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.



### ТЎЛҚИН БЎРИЕВИЧ РАҲИМОВ

**51-Каттақўрғон сайлов округидан**

1970 йилда Нуробод туманида туғилган. Маълумоти — олий. 1993 йилда Самарқанд Давлат университетини тугатган. Ихтисоси — ветеринария врачи, ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини 1993 йилда Нуробод туманидаги "Ўзбекистон" ижара хўжалигида ветеринария техниги бўлиб ишлашдан бошлаган. 1994 йилда вилоят тайёрлов-савдо-харид уюшмасида бўлим бошлиғи, чорвачилик ва деҳқончиликка асосланган уюшма раиси бўлиб ишлаган. 1995 йилдан Нуробод туманидаги "Ўзбекистон" ижара хўжалиги раиси лавозимларида иш олиб борган. 1999-2000 йилларда Нуробод туманидаги "Сахоба ота" ижара хўжалиги бошқаруви раиси бўлган. 2000 йилдан буён Нуробод туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси лавозимида меҳнат қилмоқда. 1999 йилда Нуробод туман кенгаши депутати этиб сайланган. Туманда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Оилали.



### САИДАҲМАД ЗАЙНИДДИНОВИЧ РАЗЗАҚОВ

**52-Қорадарё сайлов округидан**

1962 йилда Каттақўрғон туманида туғилган. Маълумоти — олий. Тошкент Политехника институтининг Навоий шаҳридаги филиалини тамомлаган. Ихтисоси — қурувчи-муҳандис-технолог. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1988 йилда қурилиш ташкилотида усталикдан бошлаган. 1989 йилда цех бошлиғи, 1990 йилда Каттақўрғон Сув хўжалиги тресті ишлаб чиқариш-техника бўлимида муҳандис, 1994 йилда Таъмирлаш-экплуатация бошқармасида бошлиқ, 1994-1998 йилларда Каттақўрғон тумани Қишлоқ қурилиш комбинати директори вазифаларида ишлаган.

1999 йилдан ҳозирги кунгача Каттақўрғон шаҳар "Бинокор" очиқ турдаги акциядорлик жамияти раиси лавозимида ишлаб келмоқда. Самарқанд вилояти, аниқса, Каттақўрғон туманидаги кўплаб иншоотларнинг қурилиш ишларига раҳбарлик қилиб келмоқда.

"Мустақилликнинг 10 йиллиги" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.



### МУҲАББАТ СОДИҚОВА

**53-Нарпай сайлов округидан**

1951 йилда Ҳатирчи туманида туғилган. Маълумоти — олий. 1975 йилда Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Ихтисоси — журналист.

Меҳнат фаолиятини 1975 йилда Самарқанд вилояти газетасида адабий ходимликдан бошлаган. 1989-1990 йилларда Нарпай тумани "Пахтакор овози" газетасида адабий ходим, 1990-1992 йилларда мазкур газетанинг ижтимоий ҳаёт бўлими мудири бўлиб ишлади. 1992 йилдан буён эса ушбу газетанинг бош муҳаррири ўринбосари лавозимда ишлаб келмоқда.

Оилали. Олти нафар фарзанди бор.

● Мустақил номзод ҳақида мустақил фикр...

**Инсониятнинг тараққиёт сари одимлаш истаги ундан бетиним изланишни, кўп заҳмат чекишни, хусусан, фикран тараққий этиб боришни тақозо этади. Назаримда, мустақилликка эришганимиздан сўнг юртдошларимиз янада онгли, янада фикрловчи одамларга айланиб қолгандек. Нега шундай туюлаяпти? Мустақилликдан олдин одамларимизнинг онги у даражада эмасмиди? Мустақилликнинг атиги 13 йили шу даражада сеҳрлимики, одамларимизнинг онг, шуури, фикрлашида бирдан катта ўзгариш юз берди?!**

# ХАЛҚ ИЧИДАН ЧИҚИБ ВА БИЛАН БИРГА

## ёки мустақил номзод қандай қилиб юзага чиқади?

Аслида кўплаб муваффақиятларимиз сабаби юрт мустақиллиги билан боғлиқлиги ва буни такрор-такрор эътироф этишга одатланганимиз учун тафаккур тараққиётимизни ҳам мустақиллик билан боғлиқ, дея эътироф этиб қўя қолсак, буни биров хатога йўймаслиги ва одатдаги фикр сифатида қабул қилиниб кетавериши мумкин эди. Лекин бу унчалик тўғри талқин эмас. Зотан, халқимизнинг онги, фикрлаш қобилияти ҳар доим ҳам юқори бўлган. Буни тарих далиллайди. Фақат ўша фикрлаш қобилиятини ҳаракатга келтирувчи омил — тараққиётга интилиш эҳтиёжларининг кўз очишига ҳар доим ҳам йўл йўқ эди. Кўплаб юртдошларимиз назарида ҳудудан улкан бир мамлакатда бир киши, яъни, унинг ўзи фикрламаса ҳам, тараққиёт ҳақида қайғурмаса ҳам бўлаверади, деганга ўхшаш кайфият юзага келган ва бу ҳолат ўша тузум мафкураси таъсири эди. Мустақиллик эса халқимиз учун катта бахт бўлиш билан бирга юртдошларимиз олдига бу бахтни асраш ва мустаҳкамлаш талабини, айни пайтда бу талабга молик имкониятни ҳам яратди.

Келинг, бу борадаги юзлаб мисолларни санашдан ўзимизни тийиб, бугунги кун воқелигини таҳлил этайлик. Ана шундай тараққиёт талаби бўлган фикрий тараққиётимиз бугун бизга — юртимизга икки палатали парламент заруриятини эслатди, сўнг уни муҳокамага қўйдирди ва ҳаётга татбиқ этиш керак, деган қатъий хулосани берди. Яқинда Марказий сайлов комиссияси раиси билан бўлган телемулоқотда юртдошларимиздан бири "Нега бу галги сайловлар ҳақида олдингиларига нисбатан кўп гапирилаяпти, нега бунча одамларимиз бу сайловни куйиб-пишиб муҳокама қилаяпти" дея савол берди. Аслида савол берган фуқаро ўз саволига ўзи жавоб топиб улгурган эди, у савол бермоқчи эмас, тамаддун тараққиётини, мустақиллик маҳсулини эътироф этмоқчи эди ҳам.

Парламентгача бўлган жараёнда Ташаббускор гуруҳлар тузилиб, улардан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатилиши тажрибаси биринчи синовда — яъни 1999 йилги сайловда ўзини оқлади. Кутилганидек, бу номзодлардан депутат бўлиб сайланишга муваффақ бўлганлар Олий Мажлис фаолиятида ўз салоҳиятини намоён эта олдилар. Иккинчи синовда бу тажриба янада масъулиятлироқ даражада — Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида ўзини оқлаши керак. Хўш, бу жараён нималарда акс этади, энг муҳими, мустақил номзодлар келажакда депутат сифатида ўзига билдирилган ишончни оқлашга қодирлигига сайловчини қандай ишонтиради? Ваъдалару чиройли сўзлар биланми? Ёки юртимизда бу курашга кирган мавжуд 5 та сиёсий партияники каби мустақил номзоднинг ҳам сайловолди дастури борми? Йўқ, унисиям, бунисиям йўқ мустақил номзодда. У ҳолда мустақил номзоднинг сиёсий майдондаги кураш йўлини ёритувчи шамчироғи — яъни халққа уни танитувчи, сайловчини ўз ортидан эргаштира олувчи қуроли нима? Аввало, мустақил номзоднинг сайловчиларга ўзини танитиш учун ҳаракат қилишига зарурият борми? Йўқ, албатта! Мустақил номзодни сайловчилар яхши танийди. Шунинг учун ҳам уни номзод деб танлашган. Таъбир жоиз бўлса, яна шуни айтиш лозимки, айнан шу боисдан мустақил номзодда сайловчиларни ўз ортидан қандай қилиб эргаштириш муаммоси ҳам бўлмайди. (Мантиқан олиб қараганда у олдинда эмас, улар билан бир сафда юради.) Шу сабабдан у номзод бўлмасдан аввал ҳам дастур дейишга арзигулик режалар унинг ўй-хаёлини банд қилиб юрган бўлади, унинг бу ўй-хаёллари атрофидагиларга ҳам маълум, нафақат маълум, балки кўпчиликнинг ўй-хаёллари билан бир хил бўлади ва ана шунинг учун ҳам маҳалладошлари уни номзод этиб кўрсатганлар. Демак, бугун, яъни, сайлов кампанияси авж олган бир паллада бошқа номзодларнинг дастурига киритилаётган ишлар мустақил номзодни ўйлантира бошлаганига, ҳатто унинг бу юмушлар ижросига киришганига анча бўлган бўлади.

Мана бир мисол. Аниқроғи, "Мен қандай қилиб номзод бўлдим" деган саволга жавоб. "Mahalla" газетаси халқимизнинг умумминбар нашрларидан бири. Газета ва унинг таҳририяти жамоаси фуқаролар йиғинлари демакки, аҳоли ташвиши, унинг муаммолари ечими билан яшайди. Республикамиз ҳукуматининг фуқаролар йиғинларини маҳаллий ҳокимият томонидан маданий-маиший шарт-шароитлар билан таъминлаш ҳақидаги қарори чиққанига анча бўлди. Аммо ҳозиргача баъзи йиғинлар шарт-шароитсиз, ҳатто бинносиз фаолият кўрсатаяпти. Таҳририят бу масалага шу даражада ёндашдики, ҳатто баъзи "замонавий бойлар"дан бинони суд орқали маҳаллага қайтаришгача бўлган вазифани бажарди. Шунингдек, қанчадан-қанча йиғинларни амалдаги Қонуннинг фуқаролар йиғини ҳокимият тизимига кирмайди, деган талабини англамаган, ёки англаб туриб беписанд бўлган амалдорлардан ҳимоя қилди. Шунингдек, қанчалаб ноҳақликка учраган фуқароларимиз газета орқали Қонун ҳимоясига олинди. Газетада бир муаммони ёритиш орқали нафақат бир муаммонинг ечим топиши, балки республикамизнинг бошқа ҳудудларида мавжуд бўлган шу каби ҳолатларга барҳам бериш кўзда тутилади.

Бизга яхши маълумки, бугунга келиб фуқаролар йиғинлари фаолиятига бевосита оид Ўзбекистон Республикасининг иккита Қонуни мавжуд. Шулардан биринчиси — "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш жараёнида, ҳамда мазкур Қонун ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларда газета ўз саҳифаларини ўртага қўйиб хизмат қилган бўлса, таҳририят ижодий жамоаси аъзолари Олий Мажлисда бу мавзудаги жараёнда бевосита иштирок этдилар. Шунингдек, иккинчиси — "Фуқаролар йиғинлари раис (оқсоқол)и ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги янги Қонуннинг юзага келишига газетада бу борада босилган кўплаб мақолалар ҳам сабаб бўлди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида ҳам газета фаол қатнашди. Шунингдек, фуқаролар томонидан зарурият сифатида газета орқали таклиф этилаётган фикрлар келажакда бу борада янги қонунлар, меъёрий ҳужжатлар яратилиши кераклигини ҳам англатмоқда. Хуллас, бундай ҳолатлар кўп ва бу ҳолатларнинг ҳаммаси газета таҳририяти ва йиғинлар фаолларидан Ташаббускор гуруҳлар томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилишига сабаб бўлди, десак хато бўлмайди. Демак, бу ўринда сайлов кампаниясигача амалга оширилган ишлар салмоғи катта роль ўйнади ва бундай фаолиятни келажакда парламентда давом эттириш зарур, деган хулоса ясалди. Яъни, олдинги ишнинг давоми кейинги режага айланди, номзод дастурининг мазмун-моҳиятини сайловчиларнинг ўзлари белгиладилар.

Бугун сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларнинг сайловолди дастуридан Ватан, халқ истиқболи учун зарур тадбирлар, режалар ўрин олган. Айни пайтда бу режаларнинг амалга ошишини мустақил номзодлардан сайланган депутатлар фаолиятисиз ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Зотан, мустақил номзоднинг сиёсий доирадан эмас, халқ ичидан чиққанлиги унинг сиёсат, сиёсий муаммолар моҳияти ва ечимидан узоқ шахс деган маънони англатмайди. Аксинча, у ҳам сиёсат бобида ҳеч бир партия номзодидан нафақат қолишмайди, балки баъзи бир устун жиҳатлари, хусусан, ушбу сиёсатни халқ ичига олиб киришдаги имкониятлари кенгроқлиги билан ажралиб туради.

Шундай қилиб, Қонунчилик палатасига Ташаббускор гуруҳлардан кўрсатилган ва Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган — 55 нафар мустақил номзод барча партиялардан кўрсатилган номзодларга муносиб муқобил номзод сифатида сайловолди фаолиятини давом эттирмоқда. Бунда уларга Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш Маркази, унинг вилоят ва туманлардаги тизими яқиндан кўмак бермоқда. Айниқса, оммавий ахборот воситаларида уларнинг сайловолди ташвиқоти айнан шу марказ орқали умумлаштирилмоқда. Марказий сайлов комиссияси қарори билан мазкур марказга ҳам барча партиялар билан тенг равишда сайловолди ташвиқот имкониятлари яратилди. Бу мамлакатимиз сайловчилигидаги ҳам ўзига хос, ҳам халқаро андозаларга мос иш бўлди.

Азиз юртдошлар, маҳалладошлар, кўриниб турибдики, мустақил номзод айнан сиз овоз беришингиз керак бўлган номзод. Шундай экан, албатта унга овоз беринг.

**Чори ЛАТИПОВ**



# МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

**ҚЎЙ (21.03-21.04)**

Шу кунларда ўзингизнинг ижодий салоҳиятингизни тўла-тўкислигича намоён этиш учун барча имкониятларга эгасиз. Бу имкониятни бой берманг.

**СИГИР (22.04-20.05)**

Мўлжаллаган ишларингизни амалга оширишда тўсиқ ва ғовларга деярли дуч келмайсиз. Шу кунларда сизга аёл киши энг яхши ҳамкор бўлади.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)**

Яқин кунларда истиқболингизга очиладиган омад эшиклари ёпилиб қолмагунча отни қамчиласангиз, анча юмушларни, ҳатто эскириб ётганларини бажаришга улгурасиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)**

Ишқий муносабатларда ҳам, касбий фаолиятингизда ҳам яқин кунларда катта муваффақиятларга эришасиз. Лекин ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилманг.

**АРСЛОН (23.07-22.08)**

Яқин кунларда дўстларингиз, оила аъзоларингиз, ҳамкасбларингиз билан кўп баҳслашишингизга тўғри келади. Ўз фикрингизни босиқлик билан ҳимоя қилинг.

**ПАРИЗОД (23.08-22.09)**

Саъй-ҳаракатларингизни тўғри тақсимлай олсангиз, сон-саноқсиз кўринган ишларнинг барчасини бажаришга ва моддий манфаат кўришга эришасиз.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10)**

Сизни қадрловчи кишиларнинг маслаҳатларига қулоқ тутинг. Шунда барча интилишларингиз самарали бўлади, яқинларингиз эса сизни янада ортиқ севишади.

**ЧАЁН (23.10-22.11)**

Шу кунларда турли ўйинларда ютуқли бўлишга умид қилмасангиз ҳам бўлади. Шунинг учун маблағингизни ҳам, вақтингизни ҳам беҳуда сарфламаганингиз маъқул.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12)**

Ўз имкониятларингизга сидқидилдан ишонсангиз ва вақтингизни оладиган турли кўнгилочар тадбирларга бориш истагидан воз кеча олсангиз яхши бўларди.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)**

Кайфиятингиз шу кунларда аъло даражада бўлгани боис муаммолар ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлаётгандек туюлади сизга. Лекин барибир қўл қовуштириб ўтирманг.

**ҚОВҒА (20.01-18.02)**

Дўстларингиз билан муносабатгиз бузилишига ҳамкорликдаги ишларда кўрилган фойдани адолатли тақсимлай олмаганингиз сабаб бўлиши мумкин.

**БАЛИҚ (19.02-20.03)**

Дам олиш кунлар жаҳлингизни жиловлай олмасангиз, айтган сўзларингиз ва ўринсиз хатти-ҳаракатларингиз учун тез кунларда афсус чекиб қоласиз.

Тошкент шаҳри

# ҚУМАРИҚДА ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ




**Пойтахтимизнинг Сергели тумани Қумариқ маҳалласидаги 269-мактабда 8 декабрь — Ўзбекистон Конституцияси куни ва 10 декабрь — Ўзбекистон Давлат мадҳияси қабул қилинган кун муноабати билан катта тантана уюштирилди. Мактаб ўқувчилари тадбирга ташриф буюрган ота-оналар ва мураббий-ўқитувчилари учун Ватанимиз тарихига оид, миллий қадриятларимизни акс эттирувчи саҳна кўринишларини намойиш этдилар, қўшиқлар куйлаб, рақсга тушдилар.**

**— Бу тадбирга ҳозирлик кўриш давомида ўқувчиларимиз қалбида ватанпарварлик ҳисси янада ортди, — дейди мактаб ўқитувчиси Муқаддасхон Ниязметова. — Болаларимиз кўтаринки руҳда Ватанимиз мадҳиясини куйлаганларида биз катталар ҳам уларга жўр бўлдик.**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.**

● Ёнғиндан сақланайлик!

# ИХТИЁР ЭМАС, ЭҲТИЁТ ЛОЗИМ

***Дунёда йил сайин аҳоли сонининг ўсиши билан автоуловларга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам шу даражада ортмоқда. Бугун ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб транспортни бошқариш ёки янги машина харид қилиш шу даражада оммавийлашиб кетдики, бунга ҳеч ким ажабланмай ҳам қўйди.***

Бироқ ана шу автоулов чамбарагини бошқараётган кишиларнинг барчаси ҳам эҳтиёткорлик, ҳушёрлик борасида ўз масъулиятларини тўлиқ англаяптиларми?!

Автомашинани ҳаракатга келтирувчи асосий восита унинг ёқилғиси ҳисобланади. Ёқилғи эса салгина лоқайдлик ва бепарволик оқибатида ўт олиб кетиши мумкин. Бундай вазиятларда нафақат автоуловга, шунингдек ҳайдовчи ва бошқа инсонлар соғлиғига, атроф-муҳитга катта зарар етиши турган гап. Мисол тариқасида жорий йилда автомашиналар билан содир бўлган кўнгилсиз воқеалардан баъзиларини келтириб ўтамиз.

20 апрель куни Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Шўртан—Нуристон йўлида "Ғузор-2532" автокорхонасига қарашли "Паз-672" русумли автобуснинг ҳаракатланиб кетиши вақтида ёнғин содир бўлади. Ёнғин натижасида автоулов қисман зарар кўради. Бунга эса тинимсиз ҳаракатда бўлган ва қизиб кетган автоуловнинг мотор қисмидаги электр симларининг қисқа туташуви сабаб бўлган.

Шу куни Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида ҳаракатланиб келаётган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли "Дамас" русумли автоуловда ҳам электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнғин содир бўлган ва транспортнинг мотор ва салон қисмига зарар етган.

Самарқанд вилояти Пайариқ туманида содир бўлган қуйидаги воқеа эса ҳайдовчининг оддий бир нарсани англаб етмаганлиги оқибатида юз берган. Ҳайдовчи автоуловига ёқилғи сақлаш идишидан бензин ёқилғисини қуйиш вақтида эгнидаги кийимига ёқилғи тўкиб юборади. Орадан бироз вақт ўтгач, у тамаки чекмоқчи бўлиб гугурт ёқади ва эгнидаги кийими бир зумда алангаланиб, куйиб, тан жароҳати олиб шифохонага ётқизилади.

Анча илгари содир бўлган бўлсада, яна бир ҳодисага тўхталиш жоиз. Бухоро вилоятига тўхталиш Ф.Хўжаев туманида яшовчи фуқаро "Камаз" русумли автоуловнинг ёқилғи бакини таъмирламоқчи бўлади. Уни пайвандлаш учун ҳеч ким билан маслаҳатлашмай чўғланиб турган пайвандлаш мосламасини ёқилғи бакига яқинлаштиради. Бир неча йиллар давомида ёқилғи сингиб кетган темир бак пайвандлаш мосламасидаги алангадан портлаш ҳосил қилади. Натижада ҳайдовчи катта куйиш тан жароҳати билан касалхонага ётқизилади.

Таҳлилларга кўра, жорий йилнинг 10 ойи давомида республикамизда автомашиналар билан боғлиқ бўлган ёнғинлар сони 310 тани ташкил этди. Ёнғинлар оқибатида 37 нафар фуқаро куйиш тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилган. Улардан 8 нафари бевақт вафот этганлар. Ушбу нохуш ҳолатлар оқибатида фуқароларга 68 млн. 198 минг 858 сўмлик моддий зарар етказилган. Айтиш жоизки, ёнғинларнинг деярли барчаси автомашиналардаги электр симларининг носозлиги туфайли содир бўлган.

Азиз юртдошлар, ана шундай нохуш ҳолатларнинг рўй бермаслигини ва уларнинг олдини олишни истасангиз, ўз автомашинангизни доимо махсус усталар кўригидан ўтказиб туринг. Шу билан бирга автоуловингизда ҳар доим ўт ўчиргич мосламасини олиб юрсангиз фойдадан холи бўлмайди.

**Умиджон АКРАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ муҳандиси, катта лейтенант.**

# "НОБЕЛ"га НОИЛ БЎЛГАНЛАР

***Ҳар йили 10 декабрь куни Швецияда машҳур олим Алфред Нобел васиятига биноан жорий қилинган мукофот ўз соҳибларига топширилади. 1901 йилдан буён турли соҳалар бўйича берилаётган мазкур мукофотга бу йил 12 киши сазовор бўлди. Шу муносабат билан Стокголм шаҳрида тантанали маросим ўтказилди.***

Жорий йилнинг октябрь ойида Нобел академияси томонидан дунёдаги энг нуфузли мукофотнинг 2004 йилги янги соҳиблари номи эълон қилинганди. Унга кўра, физика бўйича америкалик Дэвид Гросс, Дэвид Политзер ҳамда Фрэнк Вильчек, тиббиёт соҳасида америкалик олимлар — Ричард Аксель ва Линда Баклар, химия йўналишида исроиллик олимлар — Аарон Чихановер ва Авраам Гершко ҳамда америкалик Ирвин Роуз, иқтисодиёт соҳаси бўйича норвегиялик Финн Кюдланд ва америкалик олим Эдвард Прескотт мукофотга лойиқ топилган эди. Нобелнинг адабиёт соҳаси бўйича мукофоти эса австриялик адиба аёл — Эльфрида Елинек хонимга насиб этди.

103 маротаба ўтказилаётган маросим ҳар доимгидек тантаналарга ниҳоятда бой бўлди. Унда турли мамлакатлардан келган меҳмонлар иштирок этди. Омадли совриндорларга бу гал ҳам мукофотни Швеция қироли Карл XVI топширди. Олти йўналиш бўйича фан ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшган янги совриндорлар фахрий ёрлиқ, махсус нишон ва ўн миллион крона (тахминан 1,5 миллион АҚШ доллари) миқдорида пул билан тақдирланди.

Анъанага кўра, Нобел мукофотини топшириш маросими Швециядан кейин Норвегияда давом этади. Бу ерда мазкур маросим мамлакат қироли Ҳаралд, қироличаси Соня, қирол оиласи, парламент ва ҳукумат аъзолари ҳамда мамлакатнинг етакчи сиёсатчи ва жамоат арбоблари иштирокида ўтади.

Ослода ўтказилган тантаналарда кениялик Вангари Маатаига Нобел мукофоти топширилди.

Бу йил тинчлик ва барқарорлик йўлида хизмат кўрсатган номзодлар ниҳоятда кўп эди. Нобел академияси атрофлича муҳокамалардан кейин мазкур мукофотни кениялик Вангари Маатаи хонимга беришга қарор қилди.

**Шуҳрат ШОРАҲИМОВ**

*ТАБРИК!*



*Азиз ва қадрли дўстимиз Усмонжон ака Иброҳимов! Сизни 51 ёшга кирганлигингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Бахтимизга доимо соғ ва омон бўлинг!*

*Дўстларингиз Эркин Ҳайитов, Ҳалим Эшниёзов, Барот Отаниёзов, Ҳайит Қиличовлар.*




ЭЪЛОНЛАР

Утерянный аттестат А № 418401 выданный 263 школой в 1994 г. на имя Бекназарова Тимура Рашидовича считать не дествительным. Мирабадского района г. Ташкента.

Хусусий тадбиркор "Уразбоев К.К." номига берилган № 0247501-525 рақамли чек дафтари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Зарегистрирована в Мирабадского р-не. ООО "AFSAR-PLUS" ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2-месяцев со дня опубликования объявления по адрусу: ул. А.Кадырова, 70. Тел: 191-14-06.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан "БАХОД" МЧЖга 04.03.2004 йилда берилган № 3464 (серия Ф № 001621) рақамли тайёр дори воситалари ва тиббий буюмларни сотиш учун берилган лицензия йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек томонидан "БАХОД" МЧЖ дорихонасига 25.03.2004 йилда ХШ № 011476 (рўйхат рақами 1388/04) сонли чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъназберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими:
136-57-62.

6268 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-223 Топширилди —
1 2 3 4 5